



БИР БЎЛСАК — ЯГОНА ХАЛҚМИЗ, БИРЛАШСАК — ВАТАНМИЗ!

2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

ЯНГИ

ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 151 (1212), 2024 йил 30 июль, сешанба



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news



yuz



ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Азиз ва қадрли ватандошлар!
Аввало, сизларни, бутун Ўзбекистон халқи-ни Халқлар дўстлиги куни билан чин қалбим-дан самимий табриклайман.

Биз Янги Ўзбекистонни барпо этиш мақсадида бошлаган ислохотларимиз жараёнида жамиятимизда миллатлараро тотувлик ва бағрикенглик муҳитини янада мустаҳкамлашни энг устувор вазифаларимиздан бири этиб белгилдик.

Дунёда Халқаро дўстлик куни деб қабул қилинган 30 июль санасини мамлакатимизда **Халқлар дўстлиги куни** деб эълон қилганимиз ва ўзига хос байрам сифатида кенг нишонлашни анъанага айлантирганимиз ҳам шундан далолат беради.

Дунё миқёсида бағрикенг юрт сифатида эътироф этиладиган жонажон Ватанимизда бутунги кунда 130 дан ортққ миллат ва элат ҳамда 16 та диний конфессия вакиллари тинч-тотув, аҳил-иноқ, ҳамжиҳат бўлиб яшамоқда. 157 та миллий маданий марказ ва 38 та дўстлик жамияти фаолият кўрсатмоқда.

Мамлакатимиздаги таълим муассасаларида ўқув-тарбия жараёнлари ўзбек, қорақалпоқ, рус, тожик, қозоқ, қирғиз ва туркман тилларида олиб борилмоқда, қардош тилли мактабларда ўқиётган фарзандларимиз давлат ҳисобидан дарслик ва бадий адабиётлар билан таъминланмоқда.

Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда вилоятларда ташкил этилган “Дўстлик уйлари” фаолияти ҳар тарафлама қўллаб-қувватланмоқда. Хусусан, Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фонди томонидан ушбу мақсадлар учун зарур маблағлар йўналтирилмоқда, турли субсидия ва грантлар ажратилмоқда.

Миллий маданий марказларнинг моддий-техник базасини яхшилаш мақсадида улар давлат томонидан замонавий техник ускуналар, муслиқ асбоблар, мебель жиҳозлари, миллий либослар билан таъминланди.

Миллий маданий марказлар фаолияти учун энг кўркам бинолар ажратиб берилди. Бу масканларда мунтазам равишда умуммиллий байрамлар, фестиваллар, концерт ва учрашувлар,

таниқли маданият арбобларининг чиқишлари, семинар ва конференциялар ўтказилмоқда.

“Ўзбекистон — умумий уйимиз” деган эзгу гоя барча миллий маданий марказларнинг шиориға айлангани диққатга сазовор.

Бу жамиятимизда ҳукм сураётган миллатлараро тотувлик ва бағрикенглик муҳити, тинчлик ва осойишталикнинг амалий ифодасидир.

Ўтган йиллар мобайнида юртимизда Халқлар дўстлиги фестиваллари доирасида ўтказилган давра суҳбатлари, ижодий мулоқотлар, турли миллат вакилларининг китоб кўргазмалари, фотокургазмалар, халқаро конференция ва бошқа маданий-маърифий тадбирлар миллатлар ва элатлар ўртасидаги дўстлик алоқаларининг мустаҳкамлашишида яна бир муҳим босқич бўлди.

Чет элларда истиқомат қилаётган ватандошларимиз билан алоқалар мустаҳкамлашиб бормоқда.

“2022-2026 йилларда Янги Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси тўғрисида”ги фармонда миллий маданий марказларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш белгилангани ҳам мазкур йўналишдаги ишларимизнинг бардавом эканини кўрсатади.

“Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили”да турли миллат ёшлари учун қўшимча қулай шароитлар яратиш, уларнинг фуқаролик бурчини ҳис этиши ва англаши, ватанпарварлик ҳиссини кучайтириш, бағрикенгликка асосланган миллатлараро мулоқот маданиятини ошириш каби хайрли ишлар олиб борилмоқда.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, сўнгги етти йилда Ўзбекистоннинг ички ва ташқи сиёсатида улкан ўзгаришлар рўй бермоқда. Буни жаҳон ҳамжамияти, халқаро экспертлар, таниқли давлат ва сиёсат арбоблари ҳам эътироф этмоқда.

Марказий Осиё минтақасидаги қўшни давлатлар билан дўстона алоқалар қайта тиклангани, азалий ришталар янгича мазмунда давом эттирилаётгани халқимизнинг хоҳиши ва истаклари, орзу-интилишларини яққол ифода этмоқда.

Муҳтарам дўстлар!

Ҳеч кимга сир эмас, бутун дунёда беқарор вазият ҳукм сурмоқда. Халқаро майдонда давлатларнинг бир-бирига ўзаро ишончи су-сайиб бормоқда. Бундай мураккаб шароитда ҳаётнинг ўзи биздан мамлакатимизда ҳукм сураётган ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат, тотувлик ва бирдамлик муҳитини янада мустаҳкамлаш, ёшларни бузғунчи ёт гоя ва оқимлар, ташқи таъсирлардан асрашга қаратилган ишларимиз-ни янги босқичга кўтаришни талаб этмоқда.

Кўпмиллатли ва кўпмаданиятли жамиятни оқилона бошқариш соҳасида Ўзбекистон муҳим тажриба тўплади. Бизнинг бу борадаги фаолиятимиз дунё миқёсида катта қизиқиш уйғотмоқда.

Биз бундан буён ҳам нодавлат ташкилотларнинг ролини кучайтириш, уларнинг ҳуқуқларини қафолатлаш орқали фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришга, миллати, тили, дини ва ижтимоий келиб чиқишдан қатъи назар, ҳар бир фуқаронинг виждон эркинлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратамиз. Мамлакатимизда миллатлар ва конфессиялар ўртасидаги тотувлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш сиёсатини изчил давом эттирамиз.

Бу олижаноб мақсад йўлида юртимиз бўйлаб бир ҳафта давомида ўтказиладиган Дўстлик фестиваллари халқимизни янада бирлаштиради, минтақамиздаги тинчлик ва осойишталик, миллатлараро ҳамжиҳатлик ва диний бағрикенглик муҳитини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади, деб ишонаман.

Азиз юртдошлар!


Фурсатдан фойдаланиб, сизларни, бутун халқимизни Халқлар дўстлиги куни билан яна бир бор чин кўнгилдан муборақбод этаман.

Жонажон Ватанимизда доимо тинчлик-осойишталик ва фаровонлик ҳукм сурсин, кўпмиллатли Ўзбекистон халқига ҳамиша бахту саодат ёр бўлсин!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Менинг танловим — обод Ватаним!

САЙЛОВ ҲУҚУҚИ: ИНСОН ҚАДРИГА ЮКСАК ЭЪТИБОР



Мамлакатимизда муҳим сиёсий жараён — Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий кенгашлар депутатлари сайловига қизгин ҳозирлик кўрилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг шу йил 26 июлда бўлиб ўтган навбатдаги мажлиси ана шу муҳим сиёсий воқеага бағишланди. Қонунчилик палатаси ҳамда маҳаллий кенгашлар депутатлари беш йил муддатга сайланади. Амалдаги Қонунчилик палатаси ҳамда маҳаллий кенгашларга депутатлар сайлови 2019 йили ўтказилган. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 128-моддасига мувофиқ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасига ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига, вилоятлар, туманлар, шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайловлар тегишинча уларнинг конституциявий ваколат муддати тугайдиган йилда — октябрь ойи учинчи ўн кунлигининг биринчи яшанбасида ўтказилади. Демак, Олий Мажлис қуйи палатаси ҳамда маҳаллий кенгашлар депутатлари сайлови 2024 йил 27 октябрь, яшанба куни бўлиб ўтади.



Марказий сайлов комиссияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва Сайлов кодексида белгиланган муддатлардан келиб чиқиб, 26 июлдан Қонунчилик палатаси депутатлари ва маҳаллий кенгашлар депутатлари сайлови бўйича сайлов кампаниясига старт берилиб, календарь-режа тасдиқланди.

Ушбу сайловларда Конституциямиз ва халқаро сайлов стандартларига биноан, мамлакатимизнинг олий давлат вакиллик ва қонун чиқарувчи органи ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларининг таркиби янгиланиши таъминланди.

СИФАТ ЎЗГАРИШЛАРИ


Сайлов кампанияси бошланган куни комиссиямиз томонидан қабул қилинган қарорлар, ўтказилган қатор қизиқарли брифинглар, тақдирот маросимлари ва суҳбатлар бўлажак сайловларнинг ўзига хос жиҳатларига бағишланди. Оммавий ахборот воситалари ушбу

тадбирларни тезкорлик билан ёритиш ва атроф-лича шарҳлашга киришди. Турли жанрлардаги юзлаб материаллар эълон қилинди ва улардан миллионлаб одамлар, шу жумладан, хориждагилар ҳам баҳраманд бўлди. Бу мамлакатимиздаги тарихий ўзгаришларга юртдошларимиз билан бирга халқаро жамоатчилиكنинг ҳам катта қизиқишидан далолат.

Тадбирларда бир гап алоҳида таъкидлангани кўпчилиكنинг эътиборини тортди: янги Ўзбекистон миллий сайлов қонунчилиги ва амалиёти-нинг тизимли равишда демократик андазаларга ҳамоҳанг тарзда такомиллаштирилаётгани фуқароларнинг сайлов ҳуқуқини кенг ва тўла таъминлаш борасида сифат ўзгаришларини амалга оширишга хизмат қилмоқда.

Давлат мустақиллигининг ўттиз уч йиллигини нишонлашга ҳозирлик кўраётган мамлакатимиз миллий сайлов тизимидаги ана шундай салмоқли ўзгаришларнинг мазмун-моҳияти, аҳамияти ва самаралари ҳақида сўз юритишнинг айна фурсати деб ўйлайман.

Давоми 3-бетда



ЖАСОРАТЛИ ҚИЗ ДУНЁНИ ЛОЛ ҚОЛДИРДИ

Шу кунларда дунё нигоҳи Франция пойтахти Париж шахрига қаратилган. У тўрт йилда бир марта ўтказиладиган ёзги Олимпиадага мезбонлик қилмоқда. Дунёнинг кўплаб нуқталаридан ватани, элу юрти ишончини оқлаш учун майдон талаб спортчилар куч синашмоқда.

Бу Олимпиадада Ўзбекистон делегацияси лицензиялар бўйича ўз рекордини янгитаб, илк бор 19 спорт турида 90 спортчи билан 75 та йўлланмага сазовор бўлди.

Қувонарлиси, мусобақанинг дастлабки кунлариданоқ юртимиз мадҳияси янграб, байроғимиз баланд кўтарилди. Диёра Келдиёрова Олимпия ўйинларида чемпионлиқни қўлга киритган илк ўзбекистонлик дзюдочига айланди.

Шунингдек, 16 йилдан кейин ўзбекистонлик аёл спортчи яна Олимпия шоҳсупасига кўтарилди. “Бу соврин нафақат менинг, балки бутун аёл спортчиларнинг медали. Биламан, бу медаль Ўзбекистонда аёлларга жуда катта йўл очади. Бунга ўз ҳиссамни қўшганимдан хурсандман”, деди спортчи.

Давоми 2-бетда

Олимпиада дафтари

ДИЁРА

Япон курашида япон қизини
Иппон усулида ютди Диёра.
Олимп китобига гўзал исмини
Олтин ҳарф билан битди Диёра.

Қалдирғочу лочин кучига қаранг!
Тан берди олмону йиқилди фаранг,
Косового армон бўлди сўнгги жанг,
Барчасидан бир-бир ўтди Диёра.

Олтин олиб келди ҳаммадан олдин,
Юз олтинга тенгдир биринчи олтин!
Нихоят ҳис қилдик залаба олтин,
Зафар қадаҳини тутди Диёра.

Хушабар шавқидан полвон элим маст,
Кураш бу — ютгай ким машқдан эринмас,
Кимнинг миси чиқса, тилла берилмас,
Олий орзусига етди Диёра.

Шоҳсупага чиқди кўзда ёш билан,
Байроқни юксалтган мағрур бош билан,
Шу тотли лаҳзани зўр бардош билан
Тер тўкиб, ой-йиллаб кутди Диёра.

Қувониб кутлади Миллат Сардори:
“Балли, эй халқимнинг гурури, ори!
Сен боис бахтлидир ўзбек диёри...”
Ҳаммани бахтиёр этди Диёра.

Диёримнинг олтин қизи Диёра,
Тумариснинг ёниқ изи Диёра.
Юртимнинг юзини чарогон этган
Ўзбегимнинг ёруғ юзи Диёра!

Нодир ЖОНУЗОҚ

30 июль — Халқлар дўстлиги куни



ДЎСТЛИК ФЕСТИВАЛИ — БИР ТАНУ БИР ЖОНЛИК АЙЁМИ

2

ЖАСОРАТЛИ ҚИЗ ДУНЁНИ ЛОЛ ҚОЛДИРДИ

Бошланиши 1-бетда

Кўплаб ватандошларимиз Диёрани Тўмарисга қиёслаётгани бежиз эмас. Бугун янги Ўзбекистоннинг янги саҳифалари ёзилмоқда. Бунинг исботи Париж Олимпиада-сида кўлга киритилган олтин медалдир.

Албатта, бундай галабалар машаққатли меҳнат билан бирга спорт соҳасига қарати- лаётган эътибор ва халқимиз ишончи маҳсу- лидир.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон тарихи- да ёзги Олимпия ўйинларида аёллар ўртаси- да биринчи марта чемпион бўлган спортчи



қизни тарихий галаба билан қизгин табриклаб, ота-онани ва мураббийларига миннатдорлик билдирди: “**Жасоратли, матонатли қизим бор- лигидан ғурурланаман. Камдан кам бўладиган галаба бўлди. Дунё қойил қолди. Ўзбекистон- нинг обрўсини жуда кўтардингиз, раҳмат, қи- зим**”.

Диёра ХХХІ ёзги Олимпия ўйинлари иш- тирокчиси, Осиё чемпиони, жаҳон чемпионати ва Жаҳон ҳарбий ўйинлари совриндори, дзюдо бўйича “Катта дубулга” мусобақаси ғолибаси бўлган биринчи ўзбек қизи, Зулфия номидagi давлат мукофоти совриндори ҳамдир.

Олимпиадада эса галаба сурурини ҳис қилиш бахтига яна муяссар бўлди. Қизи- қарли кечган баҳсларда биринчи даврдан эркин ўтган дзюдочимиз иккинчи босқичда Токио — 2020 ёзги Олимпия ўйинлари чем-

“ Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон тарихида ёзги Олимпия ўйинларида аёллар ўртасида биринчи марта чемпион бўлган спортчи қизни тарихий галаба билан қизгин табриклаб, ота-онани ва мураббийларига миннатдорлик билдирди: “**Жасоратли, матонатли қизим борлигидан ғурурланаман. Камдан кам бўладиган галаба бўлди. Дунё қойил қолди. Ўзбекистоннинг обрўсини жуда кўтардингиз, раҳмат, қизим**”.

пиони, япониялик Ута Абэга рўбарў келди. Ушбу вазнинг икки номдор спортчилари ўртасидаги баҳсда Келдиёрова галаба қозо- ниб, бежиз жаҳон рейтингга пешқадамга ай- ланмаганини исботлади. Ҳамюртимиз ярим финалда мезонларнинг биринчи рақамли

ҳовучлаб ўтирдим. Чунки у неча йилдан бери биринчилики бермаётган эди. Йи- қитгандан кейинги ҳис-ҳаяжонимни айтиб беролмайман.

Диёранинг галабасидан сўнг миллионлаб юртдошимиз кўзида қувонч, кўнглида фахр

спортчиси, Олимпия ўйинлари олтин ва ку- муш медаллари соҳибаси Амандин Бушарни мағлубиятга учратишга муваффақ бўлди.

“Дзюдога кириб келишимга бувим сабаб- чи бўлган. Бу спорт билан шугулланишни олти ёшимда бошлаганман. Менинг қаҳра- моним — бувим”, дейди чемпион фахр туй- гусини яшира олмай.

Диёранинг онаси Дилором опа Шарипова қизи ҳақида бундай дейди: “Дзюдога қатнай бошлаганидан бувиси қизимнинг қўлигига қу- йиб келган: “Худо хоҳласа, жаҳон чемпиони бўласан, юртимиз, диёримиз байроғини ба- ланд кўтарасан! Мен бунга ишонаман”.

— Қизим Абэни йиқитди. Ана шундан хурсандман, — дейди Дилором опа. — Нега йиллик машаққат билан Абэ, япо- ниялик билан чиқапти дейишса, юрагимни

туйғуси жўш урди. Шоир айтганидек: “Хуш- хабар шавқидан полвон элим маст бўлган”. Жаҳон саҳналарида юртимиз байроғини ба- ланд кўтарган, улкан марраларга замин бў- лаётган ислохотлар ва бу марраларнинг қа- нотига айланган ёшларни ҳеч нарсa тўхтата олмайди.

“Бир бўлсак — халқимиз, бирлашсак — ва- танмиз!” ғояси остида 37 миллионли халқнинг ёшлари бугун ҳар бир жабҳада ўзининг қимли- гини кўрсатмоқда. Улар дунё саҳнида ўз сўзи ва қобилияти билан янги тамаддунга асос солишга қодир. Юрт манфаати йўлида собит қадам таш- лаётган бу ёшларнинг галаба сурури бардавом бўлсин.

Сардор ШУҲРАТОВ,
журналист



*** Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳара- кати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси сиёсий кенгашининг ХVII маж- лисида сиёсий кенгаш аъзолари, ҳудудий партия ташкилотлари, маҳаллий кенгаш- лардаги депутатлик гуруҳлари вакиллари, партия фаоллари иштирок этди.

Ушбу сайлов янги тахрирдаги Консти- туция кучга кирганидан кейин илк бора бўлиб ўтадиган муҳим сиёсий жараён. Конституцияда белгилаб қўйилган қон- да — давлатнинг демократик йўл орқали тараққий этишини таъминловчи асосий омил айнан сайловлардир. Бинобарин, ҳо- кимиятнинг ягона манбаи бўлган халқ ўзи- нинг ушбу ваколатидан айнан сайловлар орқали фойдаланади.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари кенгашлари депутатларининг ваколат муддати 2024 йилда тугаганини инобатга олиб, сайловлар жорий йилнинг 27 октябрида ўтказилиши ва сайлов кампанияси 26 июлдан бошланиши ҳақида Марказий сайлов комиссияси қарори қабул қилинди. Шу муносабат билан мамлакатимиздаги сиёсий партиялар мажлислари бўлиб ўтди. Унда партияларнинг ушбу сайловдаги иштироки билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

2024 йилги парламент сайловларига партия тубдан янгича ёндашади. Жумла- дан, ўйма-уй юриб, 1 миллиондан ортиқ хонадонга кириш, ҳар бир сайловчига пар- тия ғояларини етказиш, аҳолининг таклиф- мулоҳазаларини олишни мақсад қилган. Партия ўз сайловолди дастурини ишлаб чиқишдан олдин халқимизни қийнаётган муаммоларни атрофлича ўрганиш, одам- ларни ўйлантираётган масалалар моҳия- тига етиш, бунинг учун кенг қамровли жамоатчилик эшитувларини ташкил этиш ҳамда муаммоларнинг ечими устида экс- пертлар билан бирга ишлашни режалаш- тирган.

Йиғилишда сайловолди штабини таш- кил этиш, штабга партия фаоллари, етук мутахассисларни жалб қилиш бўйича

аниқ вазифалар белгиланди. Шунингдек, партиянинг I конгрессиани қақариш ва шу муносабат билан ҳудудий партия ташки- лотларининг конференцияларини ўтказиш бўйича топшириқлар берилди.

*** “Миллий тикланиш” демократик пар- тияси марказий кенгаши ижроия қўмитаси- нинг кенгайтирилган йиғилишида сайлов- ларда партиянинг иштирокини таъминлаш ва тайёргарлик кўриш ҳамда уни юқори савияда ўтказиш бўйича ишлаб чиқилган чора-тадбирлар режаси, сайлов штабини тузиш ва самарали фаолият юритишни ташкиллаштириш, партия марказий кен- гашининг навбатдаги пленумини қақариш масалалари муҳокама қилинди.

2023 йилда “Миллий тикланиш” де- мократик партияси конституциявий исло- хотлар ташаббускорларидан бири бўлди. Халқимиз хоҳиш-иродаси асосида қабул қилинган янги тахрирдаги Бош қонунимиз- да миллий сайлов тизимига ҳам кенг ўрин берилди. Бундай ўзгаришлар миллий сай- лов қонунчилигини халқаро сайлов мезони ва стандартларига мувофиқ такомиллаш- тириш, сайлов жараёнларининг очиқлик, ошкоралик, эркинлик ва адолат принциплари- га мос равишда ўтказилишини таъ- минлашга хизмат қилади.

Бу галги сайловлар аввалгиларига нис- батан кучли рақобат муҳитида ўтади. Аммо партияда, партиядан кўрсатилаётган номзодларда салмоқли натижаларга эри- шиш, парламент ва маҳаллий кенгашларда энг кўп ўрин эгаллаш учун етарлича таж- риб ва имконият бор.

Пировард мақсад сайловларда энг юқо- ри натижага эришиш ва сайловчилар ишон-

чини қозониш экани қайд этилди. Шундан келиб чиқиб, муҳим сиёсий жараёнда му- носиб иштирок этиш ва мамлакат сиёсий майдонида яратиб берилган имкониятдан унумли фойдаланиш “Миллий тикланиш” демократик партиясининг устувор вазифа- си эканига алоҳида эътибор қаратилди.

Йиғилиш якунида қун тартибдаги бар- ча масалалар ҳамда “Миллий тикланиш” демократик партиясининг навбатдаги пле- нумини қақариш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси марказий кенгаши пленумида партиянинг ушбу сайловда иштирок этиши билан боғ- лиқ масалалар муҳокама қилинди.

Янги тахрирдаги Конституциямиз ҳам- да Сайлов кодексига мувофиқ, мамлаката- мизда илк бор аралаш тизимда ўтадиган сайлов Халқ демократик партияси учун жамиятимиздаги долзарб ижтимоий-иқти- содий, сиёсий-ҳуқуқий масалалар бўйича янги таклиф ва ташаббусларни илгари су- риш, партиявий дастурларни такомиллаш- тириш, халқимиз хоҳиш-иродасини билиш, кўпроқ депутатлик ўринларини қўлга ки- ритишга шароит яратди.

Йиғилишда Ўзбекистон Халқ демок- ратик партияси сайловда иштирок этиши ҳақида яқдл қарор қабул қилинди. Унга кўра, Марказий сайлов комиссиясига жо- рий йилги парламент кўйис палатаси ва халқ депутатлари кенгашларига сайлов кампаниясида партия қатнашиши бўйича ариза топширилиши қайд этилди.

Пленумда сайлов кампанияси даврида барча ташкилий-ҳуқуқий ишларни қатъий режа асосида, масъулият билан бақариш

мақсадида партия марказий сайлов штаби- ни тузиш ҳақида қарор қабул қилинди ҳамда штабнинг вазифа ва ваколатлари белгиланди. Вилоят, туман ва шаҳар партия кенгаш- ларининг сайлов штабларини тузиш ҳамда уларнинг самарали фаолият юритишни ташкил қилиш бўйича вазифалар белги- ланди.

Ўзбекистон “Адолат” социал-демок- ратик партияси сиёсий кенгашининг навбат- даги XIV пленумида мазкур сайлов янгича амалиёт — аралаш сайлов тизимида ҳар бир овоз учун кескин кураш бориши, бу ўз на- батига, янада қизгин соғлом рақобат муҳи- тига сайлов қизгининг юксак ишончини қо- зониш, орзу-истакларини рўёбга чиқаришга хизмат қилувчи асослангиларинг таклиф ва ташаббусларини, энгу ғояларни илгари су- ришни талаб қилиши қайд этилди.

Сайлов — “Адолат” СДП учун ўтган даврдаги фаолиятига чинакам баҳо бе- радиган муҳим сиёсий жараён. Шунингдек, вакиллик органларига ўз номзодларини кўпроқ сайлаш орқали мақсад ва ғоялари- ни самарали амалга оширувчи, мамлакат сиёсий-ҳуқуқий майдонидаги ўрнини мус- тақамловчи, қисқаси, келгусидаги муваф- фақиятларини таъминлаб бевурич имконият ҳамдир.

Шу боис, пленумда “Адолат” СДПнинг сайловда муносиб иштироки бўйича стра- тегик режалар белгиланди.

Партиянинг 2024-2029 йиллар учун мўлжалланган сайловолди дастурини тай- ёрлаш учун партия электорати, хайрхоҳ- лари ва аҳоли вакиллари билан учрашувлар ўтказиб, уларнинг фикр ва таклифларини олиш, мавжуд муаммоларни ўрганиш ва

Ўзбекистон Экологик партиясининг навбатдан ташқари пленумида партиянинг жорий йилда парламент ва маҳаллий кен- гашларга бўлиб ўтадиган сайловда ишти- роки билан боғлиқ қатор ташкилий маса- лалар кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Экологик партияси ташкил қилинганга энди 5 йил тўлган бўлса-да, барча муҳим сиёсий жараёнларда фаол иш- тирок этиб, катта тажриба тўплади. 2019 йилда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва маҳаллий кенгашлар депу- татлари сайловида партия биринчи мар- та иштирок этиб, парламент ва маҳаллий кенгашларда ўзининг 600 нафардан ортиқ вакилига эга бўлган эди.

2019-2024 йилларга мўлжалланган сайловолди дастурда партия 80 дан ортиқ вазифани амалга оширишни мақсад қил- ган ҳамда уларнинг ижросини таъминлаш учун самарали фаолият юритди.

Энди партия сайловларда иштирок эти- шини қўллаб-қувватловчи камида қирқ минг сайловчининг имосини тўплашга ки- ришиш арасидаги турбида. Сайлов қонун- чилигида белгиланган миқдорда имзолар йиғилганидан сўнг ўрнатилган тартибда партиянинг сайловда иштироки юзасидан Марказий сайлов комиссиясига мурожаат қилиш бўйича тегишли чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Пленумда партиянинг ҳудудий, туман ва шаҳар партия ташкилотлари конфере- нциялари ҳамда партия форумини юксак савияда ўтказиш юзасидан ҳудудий партия ташкилотлари олдида турган вазифалар белгилаб берилди.

“Янги Ўзбекистон” муҳбири
Лутфулла СУВОНОВ тайёрлади.

30 июль — Халқлар дўстлиги куни

Автобусда бир корейс аёл билан тасодифан ҳамсухбат бўлиб қолдик. 93 ёшдаги онасини кўришга кетаётган экан. Онахон умрининг сўнгги йилларини Кореяда эмас, Ўзбекистонда, қизининг олдида ўтказишни хоҳлабди.

ДЎСТЛИК ФЕСТИВАЛИ — БИР ТАНУ БИР ЖОНЛИК АЙЁМИ



— Онам ҳар куни ҳовлимизда пишиб ётган меваларга қараб, “Ўзбекистондан яхши мамлакат йўқ”, деб қайта-қайта ай- тади, — деди суҳбатдошим. “Бўлмасам- чи, Ўзбекистон жаннатноманд, энг хавф- сиз мамлакатлар рейтингида ҳам биринчи ўринни эгаллади”, дедим. Аёл эса айнан шунинг учун мамлакатимизга келган меҳ- монлар кетгиси келмаслигини яширмади.

Дарҳақиқат, келган меҳмонни биздай эъзозлайдиган, миллати, ирқи ва эътиқо- дидан қатъи назар, ҳаммани бирдек ҳур- мат қиладиган халқлар санокли. Агар бар- ча биз каби бағрикенглик ва дўстлик ғояси билан яшаганида, бугун дунё манзараси бутунлай бошқача бўларди. Шу ўринда Ўзбекистондаги имсиясини яқунлаб, Данияга кетаётган Ҳиндистон элчиси Ма- ниш Прабхатнинг “Қани энди, ишлагани борадиган барча давлатларимизда бизга муносабат Ўзбекистондагидек бўлса”, де- ган гапи ёдимга тушди. Элчи ўшанда биз- дагидек меҳмондўст ва бағрикенг одам- ларни кўрмагани, беш йил давомида ҳеч қандай муаммога дуч келмай ишлаганини айтган эди.

Юртимизда ўзга миллат вакиллари тилини, динини, маданияти, урф-одати- ни ҳурмат қилмаслик қонун доирасида жавобгарликка тортилиши белгилан- қўйилган. Аммо кўпчилик шундай қонун борлигини билмайди. Эшитганлар ҳам унутиб юборадиган даражада эсламай қўйган. Негаки барча ўзбекистонликлар табиатида ана шу қонун қуёш чиқишидай табиий равишда ишлайди. Қонунни қўл- лашга эҳтиёж сезилмайди. Ҳа, азалий бағ- рикенглигимиз шундоқ ҳам ўзга миллат вакиллари билан ҳамжиҳат яшашимизга хизмат қилаверади. Меҳр ва дўстлик ҳам юқумли бўлади. Шу маънода, мамлақати-

миздаги 130 дан ортиқ миллат ва элат ва- киллари ҳар куни дўстлигимизни намоён қилиб яшаймиз. Бундай гўзал инсоний муносабатларнинг амалий ифодаси бўли- ши ҳам керак. Шу боис, юртимизда анъа- навий тарзда Дўстлик фестивали ўтказиб келинмоқда.

Миллатлараро муносабатлар ва хори- жий давлатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси маълумотларига кўра, бу йил фестиваль республикамизнинг барча ту- ман ва шаҳарларида ўтказилади. Дўст- лик фестивали турли миллат вакиллари, Дўстлик жамиятлари иштирокида “Янги Ўзбекистон” боғидаги маҳобатли Муста- қиллик монументи пойига гул қўйиш ма- росими билан очилгани бежиз эмас. Зеро, Ўзбекистоннинг уч минг йиллик давлат- чилик тарихини ўзида муҳассас этган, мард ва жасур халқимиз тимсоли бўлган монумент барчани бирлашишга чорлаб тургандай.

Бир ҳафта давом этадиган фестиваль доирасида бу йил ҳам қатор тадбирлар режалаштирилган. Китобхонликка ало- ҳида эътибор берилиб, “Қардошлик му- шоираси” ташкил этилганди. Ўзвучилар уюшмаси, Адиблар хиебонида ўтадиган китобхонлик тадбирларидан ташқари Чингиз Айтматов, Абай, Махтумқули, Шота Руставели, Пушкин, Шевченко каби буюк шоир ва ёзувчиларга қўйил- ган, пойтахтнинг турли жойларида жой- лашган хайкаллар пойида ҳам ижодий учрашувлар бўлиб ўтади. Барча туман ва шаҳарларда турли миллат вакиллари бўл- ган шоир ва ёзувчиларнинг китобхонлик мушоиралари ўтказилади. Улар адиблар, санъат арбоблари ўз миллатининг кўн- гил таржимонларидир. Улар умуминсо- ний ғояларни тарихи тартиб этади. Адабиётта,

манзилли ечимлар таклиф этиш юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқилгани кўрсатиб ўтилади.

Шунингдек, соҳа мутахассислари бил- лан ҳамкорликда сайловолди дастурини аҳолининг турмуш даражасини ошириш ва ижтимоий адолатни таъминлашга йўналти- риш белгиланди.

Мажоритар тизимда сиёсий партиялар томонидан кўрсатилган номзодларнинг ҳеч бири сайловчиларнинг ярмидан кўпининг овозини ололмаслиги мумкин эди. Бу эса такрорий овоз бериш, қўшимча ташвиш ва харажат демакдир. Жумладан, 2019 йилда ўтказилган парламент сайловларида йигирма бешта сайлов округида такрорий овоз бериш жараёни ўтказилган.

Бундан ташқари, бўшаб қолган депутатлик ўринни тўлдириш учун сайлов комиссиялари фаолиятини қайтадан тиклаш зарур. Бу эса минглаб одамларни яна сайлов комиссиялари ишига жалб этиш, сайловчиларни яна овоз беришга даъват қилиш билан боғлиқ. Пропорционал сайлов тизимининг афзаллиги шунки, бундай ҳолатларда партия томонидан кўрсатилган рўйхат бўйича навбатдаги номзод депутатлик ўринни эгаллайди. Партиялар томонидан шакллантирилган рўйхатлар жамоатчилик эътиборига ҳавола қилинади.

ФАОЛ РАҚОБАТ МУҲИТИ

Жорий йилдаги сайловлар Конституциямизда мустаҳкамлаб қўйилган кучли парламентаризм ва жойларда вакиллик органларининг ваколати сезиларли даражада қучайтирилган шароитда ўтади.



МЕНИНГ ТАНЛОВИМ — ОБОД ВАТАНИМ!



Зайниддин НИЗОМХЎЖАЕВ,
Марказий сайлов комиссияси раиси,
Ўзбекистон Қаҳрамони

Бошланиши 1-бетда

ҲАЁТБАХШ ҒОЯ

Мамлакатимиз миллий сайлов қонунчилиги, амалиёти ва сайлов комиссиялари тизимидаги сифат ўзгаришлари инсон қадри ҳар нарсадан улуг, деган ҳаётбахш ғояга мос равишда такомиллашиб бораётганини кўрамыз. Янги Ўзбекистонда сайловлар ва референдумга тайёргарлик кўриш ҳамда уларни ўтказиш фалсафасида ана шу ёрқин миллий ғоя ўзининг инъикосини топмоқда.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан бундан беш йил аввал миллий сайлов қонунчилигига оид бешта қонун ва ўнлаб қонуности ҳужжатларни ўзида мужассам этган Сайлов кодекси қабул қилинишини сайлов жараёни иштирокчилари билан, халққаро экспертлар ҳам қизгин хайрихоҳлик билан қутиб олган эди. Самарали муҳокамалардан сўнг қабул қилинган кодекс парламентимиз қўли палатаси ва маҳаллий кенгашларга сайловларда 2019 йили илк бор синовдан муваффақиятли ўтган.

Бундай муваффақиятларнинг бош омилли, аввало, жамоатчилик фикри инобатга олиниб, халқимиз билан бирга, маслаҳатлашиб қабул қилинаётган қонунлар ва қарорлардир. Бу ўтган йили янги тахрирдаги Конституциямизни ишлаб чиқиш ва умумхалқ референдумида қабул қилиш жараёнида янада ёрқин намоён бўлди. Конституцияча том маънодаги халқ муаллифлигидаги тарихий ҳужжат бўлганини дунё аҳли кенг эътироф этди. Ҳамюртларимиз, айниқса, ёшларнинг бу жараёнда фаол иштироки уларда ватан тақдирига дахлдорлик туйғуси баланд ва собиғ эканини кўрсатди.

2023 йил 18 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига сайлов ва референдум ўтказиш тартибини янада такомиллаштиришга қаратилган ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги конституциявий қонун ҳам жамоатчиликнинг фикри кенг эътиборга олиниб қабул қилинган ҳужжатлардан биридир.

Мазкур конституциявий қонунда Қонунчилик палатасига сайловда аралаш, яъни мажоритар ва пропорционал тизимни жорий қилишга доир янги нормалар белгиланди. Аралаш сайлов тизимининг афзаллиги — ўзида амалдаги мажоритар ва пропорционал сайлов тизимининг энг илгор тамойилларини уйғунлаштириб, бир-бирини тўлдиришда.

Парламентимиз қўли палатаси беш йил муддатга сайланадиган бир оз эллик депутатдан иборат. Бу йил мамлакатимиз тарихида биринчи марта депутатларнинг етмиш беш нафари бир мандатли сайлов округлари бўйича сайловчиларнинг бевосита номзодларга берган овозига мувофиқ сайланади. Қолган етмиш беш нафари эса ягона сайлов округи бўйича сиёсий партияларга берилган овозларга мутаносиб равишда сиёсий партиялар томонидан кўрсатилган номзодлар рўйхати (яъни партия рўйхати) асосида сайланади.

Энди сайловчи Қонунчилик палатаси депутатлигига сайловда иккита бюллетень орқали овоз беради: биринчисида аниқ бир номзодга овоз берса, бошқасида ўзи ишонган сиёсий партияни белгилайди.

Илгари депутатликка номзодлар орасида аёллар камида 30 фоиз бўлиши керак, деган гендер квотаси энди 40 фоизгача кўтарилди. Сиёсий партия рўйхатидаги кетма-кетликда эса камида ҳар беш номзоднинг икки нафари аёл киши бўлиши лозим.

Хусусан, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг мутлақ ваколатлари амалдаги 5 тадан 12 гага, Олий Мажлис Сенатиники эса 12 тадан 18 гага кўпайтирилди. Парламентнинг ижро этувчи, суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва махсус хизматлар фаолияти устидан назорат функциялари кенгайтирилди.

Ҳокимларнинг халқ депутатлари кенгашларига раҳбарлик қилиши бекор қилинди. Давлат ҳаётининг муҳим масалаларини ҳал этишда вакиллик органлари ролини ошириш мақсадида аввал ҳокимларда бўлган 33 та ваколат маҳаллий кенгашларга ўтказилди. Бу эса сиёсий партиялар ва номзодлар ўртасида фаол рақобат муҳити шаклланишига хизмат қилади.

Конституциявий қонун талабларидан келиб чиқиб, Марказий сайлов комиссиясининг барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари тўла хатловдан ўтказилди. Унга яқин низоом, йўриқнома ва бошқа ҳужжатлар янгидан ишлаб чиқилди ва қабул қилинди. Айримларига зарур ўзгаришлар киритилди.

ЭЪТИБОР МАРКАЗИДАГИ ОДАМ

Сайловлар жараёнида эътибор марказидаги энг муҳим одам — сайловчи. Бутун жараён унинг манфаатларини кўлаб ташкил этилади. Қонулар, тартиб-қоидалар, энг аввало, сайловчига қулайлик яратиш нуктаи назаридан ишлаб чиқилади ва қабул қилинади.

Марказий сайлов комиссияси томонидан шу йил 2 июль кунини қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари депутатлари сайловда овоз беришни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низоомда белгиланган тартиб-қоидалар ҳам айна мақсадга хизмат қилади. Таъбир жоиз бўлса, унда сайловда овоз беришни ташкил қилишнинг “ипидан игнасигача” қамраб олинган.

Дейлик, сайловчилар овоз бериш хонасига қайси эшиқдан кириб, қаердан чиқиб кетишигача, овоз бериш хонасида сайлов кунини ва овозларни санаб чиқиш жараёнида кимлар, масалан, кузатувчилар, оммавий ахборот воситалари вакиллари, комиссия раиси, ўринбосари, котиби, аъзолари қаерда туриши ёки ўтиришигача, қандай вазифаларни бажаришигача, яширин овоз бериш кабиналари, сайлов қутиси, ҳатто кўчма овоз бериш қутиси қаерда жойлашишидан тортиб, далолатномаларнинг шаклларигача аниқ белгиланади. Сайлов ташкилотчилирига танлаш имкониятини яратиш мақсадида овоз бериш хонасини ташкил этишнинг тўрт хил вариантдаги тарх-схемаси тақлиф этилади.

Сайловчилар учун ҳам, сайлов ташкилотчилари учун ҳам пишиқ-пухта ишлаб чиқилган бундай қулайлик, аниқлик, бирхиллик ва қатъий тартиб ўз самарасини беришига ишонаман. Бир қарашда анча майда, ҳатто арзимасдек кўринган бундай тартиботни шу пайтгача ҳар ким ҳар хил — ўзининг диди, савияси ва имкониятидан келиб чиқиб қўлагани маълум. Наттижада участка сайлов комиссиялари ишини тўғри ташкил этиш борасида муайян нуқулйликлар тутилгани эри эмас. Ҳолбуки, сайловга тайёргарлик кўриш ва ўтказишдек муҳим сиёсий жараёнда эътибордан четда қолдириш мумкин бўлган майда жиҳатнинг ўзи йўқ.

Эътибор бериш: ҳатто участка сайлов комиссиясининг пешлавахси, сайлов участкасига йўналтирилган йўлқўрсаткичлар ҳар хил шакл ва рангларда ёзилган ёки умуман унутилган. Турличалikka чек қўйилиб, бирхиллик сари жиҳддий қадамлар ташланди: миллий стандартлар ва талаблар белгиланди.

Бир йўла Қонунчилик палатаси, вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайловлар бўлиб ўтадиган жорий йилда бу, айниқса, янада муҳим аҳамият касб этади.

“Театр кийим илгичдан бошланади” деган машҳур иборани кўпчилик билади. Сайлов участкасида сайловчига эътибор йўлқўрсаткич-

дан бошланади, десак муболага бўлмайди. Овоз бермоқчи бўлган сайловчилар, айниқса, кесалар сайлов участкасини топишга қийналиб, сўраб-суриштириб юрганга кўпчилигимиз дуч келганмиз. Икки қарчлик оддий лавҳада давлатимизнинг ўз фуқароларига ҳурмат-эҳтироми муҳассам.

Буларнинг барчаси мамлакатимизда инсон қадрини улуглаш, сайлов ҳуқуқини янада кенг ва тўла таъминлашга қаратилётган доимий эътибор самарасидир.

НОМЗОД КЎРСАТИШ ҲУҚУҚИ

Сайлов кампаниясининг аввалида кўпчиликни қизиқтирадиган саволлар бўлади. Уларга бир йўла жавоб бериш фойдалан ҳоли эмас. Халқ

**МАМЛАКАТИМИЗДА
27 ОКТЯБРЬ КУНИ
ЎТКАЗИЛАДИГАН
САЙЛОВЛАР ЖОНАЖОН
ЎЗБЕКИСТОНИМИЗНИНГ
БУГУНГИ ВА ИСТИҚБОЛДАГИ
ҲАЁТИДА ЮКСАК АҲАМИЯТ
КАСБ ЭТАДИГАН МИЛЛИЙ
ПАРЛАМЕНТИМИЗ ВА
МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРНИНГ
ЯНГИ ТАРИКИБИНИ
ШАКЛЛАНТИРИШДА МУҲИМ
ОМИЛ БЎЛАДИ. БАРЧА
ДАРАЖАДАГИ САЙЛОВ
КОМИССИЯЛАРИНИНГ САЪЙ-
ҲАРАКАТЛАРИ ШУ МАҚСАДГА
ЙЎНАЛТИРИЛГАН.**

депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайловлар ҳудудий бир мандатли сайлов округлари бўйича кўппартиявийлик асосида беш йил муддатда ўтказилади. Ушбу кенгашлардаги депутатлик ўринлари аҳоли сонидан келиб чиққан ҳолда белгиланади. Илгари халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳри кенгашларида тенг тартибда — олтиш нафаргача, туман ва шаҳар кенгашларида эса ўттиз нафаргача депутатлик ўрни бўлган.

Сайлов кодексига асосан, Қонунчилик палатаси депутатлигига ва маҳаллий кенгашлар депутатлигига номзод кўрсатиш ҳуқуқига сиёсий партиялар эга.

Сиёсий партия сайлов кампанияси бошланган эълон қилинган кундан камида тўрт ой олдин Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган ва ўзининг сайловда иштирок этишини қўллаб-қувватловчи камида қирқ минг сайловчининг имзосини тўплаган ҳамда Марказий сайлов комиссияси томонидан сайловда иштирок этишига ижозат берилган тақдирдагина депутатликка номзодлар кўрсатиши мумкин.

Қонунчилик палатаси депутатлари сайлови бўйича Марказий сайлов комиссияси томонидан сайлов кампанияси бошлангани эълон қилинганда кейин сиёсий партияларга белгиланган намунадаги имзо варақалари берилди.

Сиёсий партия битта маъмурий-ҳудудий тўзимлада (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, Тошкент шаҳри) қирқ минг сайловчининг кўпи билан саккиз фоиз имзосини тўплаши мумкин.

Сиёсий партиялар тақдим этган имзо варақаларининг тўғри тўлдирилгани Марказий сайлов комиссияси томонидан беш кун муддатда текширилади. Марказий сайлов комиссияси имзо варақалари тўғри тўлдирилганини текширувчи эксперт гуруҳини тузади.

Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайловларда иштирок этишга

ижозат олиш ва депутатликка номзодлар кўрсатиш учун эса сиёсий партиялар томонидан сайловчиларнинг қўллаб-қувватловчи имзоларини тўплаш талаб этилмайди.

Қонунчилик палатаси ҳамда маҳаллий кенгашлар депутатлигига номзодлар кўрсатиш сайловга олтиш беш кун қолганда бошланади ва сайловга қирқ беш кун қолганда тугайди. Номзодларни рўйхатга олиш сайловга ўттиз беш кун қолганда ажунланади.

КИМЛАР ДЕПУТАТ БЎЛИШИ МУМКИН?

Қонунчилик палатасига сайланиш ҳуқуқига сайлов кунини йигирма беш ёшга тўлган ҳамда камида беш йил Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муқим яшаётган фуқаролар эга.

беш нафар номзод, яъни ҳар бир сайлов округидан депутатликка биттадан номзод кўрсатади. Партия рўйхати бўйича эса депутатликка етмиш беш нафардан кам бўлмаган, юз нафардан кўп бўлмаган номзод кўрсатади.

Бир мандатли сайлов округларида айна бир шахс фақат битта сайлов округидан депутатликка номзод этиб кўрсатилади.

Партия рўйхатида киритилган номзодлар ушбу сиёсий партиянинг аъзолари ёки партияси бўлиши мумкин. Бошқа сиёсий партиянинг аъзолари ушбу рўйхатга киритилиши мумкин эмас. Бир мандатли сайлов округлари бўйича кўрсатилган номзодлар ҳам партия рўйхатида киритилиши мумкин.

Гап маҳаллий кенгашлар депутатлигига номзодлар ҳақида борар экан, бунда ҳам сиёсий партияларнинг тегишли органлари томонидан номзодлар кўрсатилишини таъкидлаш ўринли.

Сиёсий партиялар тегишли ҳудудда жойлашган ҳар бир сайлов округидан маҳаллий кенгашлар депутатлигига биттадан номзод кўрсатишга ваколатли. Бир шахс тегишли маҳаллий кенгашга сайлов ўтказиш бўйича фақат битта сайлов округидан депутатликка номзод этиб кўрсатилиши мумкин.

РАҚАМЛАШАЁТГАН МУЛОҚОТ

Ўзбекистонда сайлов жараёнига рақамли технологияларни жорий этиш доимий эътибор қаратилаётган энг муҳим йўналишлардан. Сайловчиларнинг ягона электрон рўйхати, сайлов жараёнини бошқариш ахборот тизимининг сўнгги йилларда ўтказилган сайловларда муваффақиятли қўлланигани шулар жумласидан.

Энди барча даражадаги сайлов комиссиялари фаолияти, сайлов жараёнида иштирокчилари билан ўзаро муносабати тўлиқ рақамлаштирилди. Сайлов тартиботидаги бюрократия, ортиқча вақт сарфи ва ҳужжатлар ҳаракати қисқартирилди.

Рақамли технологиялар вазирлиги билан ҳамкорликда миллий сайлов амалиётига “Е-saylov” ахборот тизимини жорий этишга киришилгани бу йилги сайловлар жараёнидаги муҳим янгилликлардан яна биридир. Ушбу замонавий тизимнинг афзаллиги — сайлов комиссияларининг сиёсий партиялар, номзодлар, кузатувчилар ва оммавий ахборот воситалари билан қарийб 60 турдаги муносабати тўлиқ электрон тарзда амалга оширилади. Сайлов жараёнининг 400 мингга яқин иштирокчиси, жумладан, сайлов комиссиялари аъзолари, депутатликка номзодлар, кузатувчиларга оид қатта маълумотлар базаси шакллантирилди. Тизимдан сайлов жараёнининг 32 минг иштирокчиси профессионал тарзда фойдаланади ва қирқ турдаги SMS-хабарнома орқали мулоқот ўрнатилди.

“Е-saylov” ахборот тизимида фуқаролар учун ҳам сайловга оид ахборотлар олишда қатор қулайликлар жорий этилган. Хусусан, ахборот тизими сайловчилар ва сайлов участкаларига оид статистик маълумотларни олиш, барча турдаги сайловлар бўйича депутатликка номзодлар ҳақида ахборотга эга бўлиш, инте-рактив хариталарда депутатликка номзодлар ва уларнинг таржаман ҳоли билан таниниш имконини беради.

Ушбу янги тизим жорий йилда Халқ депутатлари Сирдарё, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳри кенгашларидаги бўшаб қолган депутатлик ўринларига ўтказилган сайловларда муваффақиятли сынаб кўрилди.

ЮКСАК ШАРАФ ВА УЛКАН МАСЪУЛИЯТ

Миллий сайлов қонунчилиги илгор демократик стандартларга мос равишда туддан такомиллаштирилди. Жумладан, сайлов органларининг Марказий сайлов комиссияси бошчилигидаги янги тизими жорий этилди.

Энди Қонунчилик палатаси депутатлари ва маҳаллий кенгашлар депутатлари сайловини ўтказувчи комиссиялар тизими Марказий сайлов комиссияси, ҳудудий сайлов комиссиялари, Қорақалпоғистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси, туман ва шаҳар сайлов комиссиялари, Халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳри кенгашларига сайлов ўтказиш бўйича округ сайлов комиссиялари ва участка сайлов комиссияларидан иборат.

Марказий сайлов комиссиясининг 2024 йил 29 майдаги “Вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳудудий сайлов комиссияларини тузиш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, мамлакатимиз тарихида биринчи марта вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳудудий сайлов комиссиялари тузилди. Миллий сайлов комиссиялари тизимида янги ва муҳим бўлган ушбу комиссиялар вилоятлар ва Тошкент шаҳри чегаралари доирасида тузилди.

Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Қонунчилик палатаси депутатлари сайловларига тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш билан боғлиқ ҳудудий сайлов комиссияларининг ваколатларини Қорақалпоғистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси амалга оширади.

Ҳудудий сайлов комиссиялари аъзоларининг умумий сальмоғи — 267 нафар (56 фоизи — эр-кавлар, 44 фоизи — аёллар), шундан 223 нафари (84 фоизи) аввалги сайловларга тайёргарлик кўриш ва ўтказишда қатнашган. Сайлов кодексига мувофиқ, ушбу комиссияларнинг уч нафаргача аъзоси доимий асосда иш юритади.

Халққаро ташкилотлар рейтингида дунёдаги хатардан энг холи, тинч ва осийишга, ҳуқуқ устуворлиги энг тез яхшиланаётган мамлакат сифатида биринчи ўринни олган янги Ўзбекистоннинг миллий сайлов тизимида фаолият юритиш ҳар бир фуқаро учун юксак шараф ва улкан масъулиятдир.

ХАЛҚАРО АНДАЗАЛАР АССОСИДА

Сайловларни юқори савияда ташкил этишда сайлов комиссиялари аъзоларининг миллий сайлов қонунчилиги ва амалиёти ҳамда сайловларга оид халққаро стандартлар бўйича билим ва амалий кўникмаларини мустаҳкамлаш муҳим аҳамиятга эга.

Марказий сайлов комиссияси томонидан жорий йил 27 май кунини таъсидланган ва ижросига жадал киришилган Сайлов комиссиялари аъзоларининг малакасини оширишни ташкил этиш концепцияси ана шундай мақсадга хизмат қилади.

Концепция доирасидаги ўқитиш ишлари уч йўналиш ва икки босқичда амалга оширилади. Машғулотларда замонавий ахборот технологияларидан кенг фойдаланилади. Айна пайтда малакали экспертлар томонидан тайёрланган ўқув-услубий материаллар, жумладан, қўлланмалар, маърузалар матни, топшириқ саволлари, тест, тақдирот, инфографика, видеодрга ва бошқа материаллар тингловчилар эътиборига ҳавола этилади.

Айна кунларда мазкур концепцияда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш борасидаги ишлар изчиллик билан давом эттирилмақда.

ЭШИГИМИЗ ДОИМ ОЧИҚ

Сайловларга тайёргарлик жараёнида сайловолди ташвиқоти алоҳида аҳамият касб этади. Сайловолди ташвиқоти номзодларлар ва партия рўйхатини рўйхатга олиш учун белгиланган охириг куннинг эртасидан, яъни 22 сентябрдан бошланади. Сайлов кунини ва овоз беришга бир кун қолганда ташвиқотга йўл қўйилмайди.

Марказий сайлов комиссияси ва барча даражадаги сайлов комиссиялари ўз ишини ҳамisha очиклик, ошкоралик ва шаффофлик тамойилларига биноан ташкил этиб келмоқда. Журналистлар учун эшигимиз доим очик. Фақат овоз бериш яширин! Бунинг яққол далили Марказий сайлов комиссияси ҳузурида матбуот маркази фаолиятининг йўлга қўйилганидир. Матбуот марказининг ҳудудий бўлинмалари ҳам ташкил этилди.

Мамлакатимиз парламенти ва маҳаллий кенгашларга бўлиб ўтадиган сайловларга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш билан боғлиқ жараёнлар, жумладан, сайловчиларнинг овоз бериш жараёни сиёсий жорий йилдаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари вакиллари, бошқа давлатлар ва халққаро ташкилотлар кузатувидаги, ОАВ вакиллари, шунингдек, хорижлик журналистлар кузатиб боради.

ВАТАН МАНФААТИ

Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлидаги кенг қўламли, дадил ва изчил ишлорларнинг устувор вазифалари ва асосий йўналишларидан бири инсон қадрини янада юксалтириш, унинг ҳуқуқлари, жумладан, сайлов ҳуқуқини ҳар томонлама ва кенг таъминлашдан иборат.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, “Албатта, биз турли сиёсий партияларга мансуб бўлишимиз, турли ғоя ва қарашлар тарафдорли бўлишимиз мумкин. Демократия дегани ҳам аслида шу. Аммо моҳият эътибори билан қараганда, барчамизнинг, бутун Ўзбекистон халқининг мақсади бир. Бизнинг барчамизни Ватан, эл-юрт манфаати бириштирилади”.

Зеро, тараққиётпарвар халқимиз ва жонажон Ватанимиз тақдири учун ҳар биримиз масъулмиз. Шу жиҳатдан олганда, ўзида улуг ҳиқмат, буюк мақсадни муҳассам этган “Менинг танловим — обод Ватаним!” деган шиор остида ўттиши жорий йилдаги сайловларга янгича мазмун ва юксак жозива бағишлайди. “Инсон қадри учун” деган устувор тамойилни рўбга чиқаришга хизмат қилади.

Мамлакатимизда 27 октябрь кунини ўтказиладиган сайловлар жонажон Ўзбекистонимизнинг бугунги ва истиқболдаги ҳаётида юксак аҳамият касб этадиган миллий парламентимиз ва маҳаллий кенгашларнинг янги таркибининг шакллантиришда муҳим омил бўлади. Барча даражадаги сайлов комиссияларининг сай-ҳаракатлари шу мақсадга йўналтирилган.



ТАЖРИБА — КЎЗЛАНГАН МАҚСАДГА

ЭРИШИШ ВОСИТАСИ
ЁХУД ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ
БЎЙ КЎРСАТМОҚДА

SAYXUNOBOD TUMANI

Тараққиёт одимлари

Бирор фаолият, кузатув, кечинма, таассуротлар орқали йиғилган билим, кўникма ёки хулосани тажриба, деймиз. Яна тажрибани муайян фаолият тури бўйича синовдан ўтган, ушбу жараёнда юқори самарадорлик кўрсаткичлари жамланган тайёр қўлланма, дастурга ҳам қиёсласак бўлади. Шунинг учун ҳам тажриба хато қилиш, ортқича йўқотишларнинг олдини олишга хизмат қилиши, ўз навбатида, кўзланган мақсадга эришишнинг самарали воситаси ўлароқ бутун дунёда қимматли аҳамиятга эга.

Сўнгги йилларда содир бўлаётган иқлим ўзгариши, турли нуқталарда авж олаётган ички низолар, урушларнинг таъсир кўлами мамлакатлар ривожига таъсирини ўтказмоқда. Сабаби, низолар ўчоғи фақат ўша ҳудудлар билан чегараланиб қолмай, балки истёмоқ занжирининг узилиши ортидан озиқ-овқат, саноат ва яна қатор бошқа соҳалар тараққиётига тўсқинлик қилмоқда.

Мана шундай мураккаб вазиятда ҳар бир давлат олдида ўз ички имкониятларидан тўри фойдаланиш ва уларни такомиллаштириш вазифаси турибди.

Президентимиз раислигида жорий йил 17 июлда ҳудудлар ва тармоқларда иқтисодий ўсиш суруятларини таъминлаш бўйича биринчи ярим йиллик таҳлили ҳамда йил якунига қадар устувор вазифалар муҳофазаси юза-

сидан видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди. Унда ўтган олти ойда ялпи ички маҳсулот 6,4 фоиз кўпайгани алоҳида таъкидланди.

Дунё саҳнида кечётган бундай мураккаб жараёнда Ўзбекистон ялпи ички маҳсулотининг ўсишида асосий омиллардан бири Сайхунобод, Уйчи, Зарбдор ва Гиждувон тажрибаларининг ўз самарасини берганидир.

Бир вақтлар йилнинг келишига қараб, экин экишни режалаштирган одамлар бутун тўрт фасл томорқадан даромад олишга ҳаракат қилмоқда. Албатта, ҳали томорқага беда экиб ёхуд фақат ўтин учун дарактлари бўлган хонадонлар йўқ эмас. Шундай бўлса-да, “Сайхунобод тажрибаси” оммалашган.

Жиззах вилояти Зарбдор туманида ҳам ушбу тажриба фаоллашмоқда. Туманда айни вақтда 24 та маҳалла мавжуд. Ҳар бир маҳаллада томорқадан фойдаланишни яхшилаш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши томонидан оқова сув етиб бормаган маҳалла ҳамда деҳқончилик хўжаликлари рўйхати шакллантирилган. Шу билан бирга, уларга артезиан қудуғи қазिश бўйича кўрсатмалар берилган.

— “Бир маҳалла — бир маҳсулот” тасмийли асосида бутун Зарбдор туманидаги маҳаллаларда ишлар жадаллашган. Шу билан бирга, “Сайхунобод тажрибаси” бўйича ўқув семинарлари ташкил этилмоқда. — дейди Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эга-

лари кенгаши бўлим бошлиғи Элмурод Мамараҳимов. — Уларга томорқа хизмати ёки экспортчи корхоналар бириктирилиб, етиштирилган маҳсулотлар ички ва ташқи бозорларга сотилиб, аҳоли гавжум ҳудудларда кичик ҳажмли дала дўконлари ташкил қилинган. Яна маҳаллаларга минн техника, мотокультиваторлар олиб беряёмиз. Кам таъминланган оилалар ва бошқа хонадонларга кенгаш ҳузуридаги жамғармадан кредитлар тақдим этиляпти. Ҳар бир маҳалланинг ихтисослигидан келиб чиқиб, экинлар экилмоқда.

Халқимизда “Ер — ҳазина, тулроқ — олтин” деган гап бор. Ерга меҳр берсанг, сендан саховатини аямайди, ризқ-насиба беради. Бозор қаламипири, қулпнай, помидор, қовоқ, лимон кўчатлари экилган, — дейди Ўроғул Аҳмедова. — Бизга 60 туп гўлублика кўчати берилди. Унинг бир кило меvasи бозорда 300-350 минг сўм туради. Бу йил ҳосилга кирди. Келаси йилдан яхши даромад олишни кўзлаб турибмиз.

Амалга оширилётган ишлар бошқа ҳудудларга ўрнат бўлишига аргизулик. Бугунги кунда бу туманда “маҳалла еттилиги” сайи-ҳаракатлари туфайли аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромадини оширишда ижобий натижаларга эришилмоқда. — Маҳалламиз яқинда ташкил топган. 3 мингдан ортқ аҳолисининг аксарияти ёш оила. Деҳқончилик, чорвачилик, паррандчилик, боғдорчилик асосий драйверимиз. “Сайхунобод тажрибаси”ни биз ҳам қўллаб бошладик, — дейди “Лалмикор” маҳалла фуқаролар йиғини раиси Акбарали Эргашев. — Ҳозир деярли оз фоз хонадон томорқадан самарали фойдаланмоқда. Хонадонларга энг камида 10 тадан 30 тагача гўлублика кўчати тарқатдик.

Зарбдор туманидаги аҳоли томорқаларидан унумли фойдаланиш бўйича ўрганиш жараёнида маҳаллаларнинг

ихтисослашувига кўра, асаларчилик, балиқчилик, иссиқхона, паррандчилик ва бошқа қатор даромад келтирувчи лойиҳалар пакети 8,9 мингта хонадонга тақлиф этилган. Натижа эса кўнгилдагидек. Лойиҳалар пакети етказилган ҳар бир хонадон 50-60 миллион сўмдан даромад олиб, аҳоли бандлиги таъминланмоқда.

Бир сўз билан айтганда, сумкани ортмоқлаб хорижга кетишдан кўра, озгина меҳнат ва тажрибани ишга солиб, юртида, ота-она, фарзандлар бағрида яхши даромад кўриш имконияти яратилмоқда.

Энг қўйи тизим билан ишлаш орқали бошини қайси тошга уришни билмай юрган ёки маҳаллий раҳбарлар илтифоти қараб йилларни сарфлаб юборган одамларнинг юмуши енгиллашмоқда. Бир йили туман банкига ишим тушди. Кимдир боғдорчилик, яна кимдир чорвачилик ва яна қандайдир тадбиркорлиқни бошлаш истагидаги одамларнинг ҳолига гувоҳ бўлганман. Таълим кредити олиш учун бир ҳафта вақтим кетганди. Аммо мен билан бирга қатнаган, тадбиркорлик қиламан деган инсонлар бири кафил қилириб, бири маълумотнома туғрилиб, яна бири бошқа ҳужжат олиш учун вақтини ўтказётган эди. Ўша дамда улар олис қишлоқдан туман марказигача ҳар кунни йўлқира сарфлаб, умид илнжидан банкка қатнардди. Кунора кузатилган ҳужжатбозлик ва адоғи йўқ навбат одамларни ҳолдан тойдириш билан бирга уларда келажакка ишончсизлик уйғотганди. Гувоҳи бўлганим, аксарият юртдошларим қуруқ қўл билан уйига қайтганди.

Энди маҳаллабай ишлаш тизими йўлга қўйилиши ортидан аҳоли хоҳиш ва истаклари хонадонма-хонадон кириб ўрганилмоқда. Кредит олишга “маҳалла еттилиги” қўмак бермоқда. Бу, албатта, қувонарли ҳолат.

Хусусан, энди “Зарбдор тажрибаси” асосида туманларда саноат, савдо, хизмат ва замонавий агротехнологиялар соҳасида драйвер лойиҳалар қилинади. Бу йил уларни амалга ошириш учун 500 миллиард сўм ажратиш белгиланган. Агар лойиҳалар натижа берса, яна 150 минг иш ўрни яратилиши кўзда тутилган.

Бундан келиб чиқадики, энди тадбиркорлик истагида бўлганлар юқорида тўхталиб ўтганимиз — кредит масаласидаги қийинчиликлар билан эмас, балки йўлга қўйилган тажрибадан унумли фойдаланиб меҳнат қилса бўлгани. Шу орқали жамиятнинг қайсидир нуқтасида иқтисодий кўтарилиш бўлса, ўша ерда улкан мақсадлар билан яшайдиган инсонлар шаклланади.

Шу билан бирга, жорий йилнинг 1 декабрига “Сайхунобод тажрибаси” асосида хонадонлар учун молиявий пакет берилади. Агар бу пакетлар ўз самарасини берса, 495 минг аҳоли бандлиги таъминланиши кўзда тутилган. Шунингдек, иккинчи ярим йилликда “Оилавий тадбиркорлик” дастури қамрови 1,5 баробар оширилади. Албатта, бу қўшимча иш ўринлари яратилиб, аҳоли даромади янада ўсишдан дарак. Натижага эришиш учун эса соҳага 4 триллион сўм йўналтирилади.

Бу режа ва мақсадлар бежиз илгари сурилмапти. Тасаввур қилинг, бир вақтлар иш тополмаган миллат оналари, буй етмаган қизлар, ёши катта кишиларнинг аксарияти пахта дала-сидан чиқмасди. Бу иш кеч куннинг совуғини еб, биринчи қорнинг ёғиши билан тугалланарди. Ёхуд чет элга ишлашга кетган инсонларнинг болалари уларнинг дийдорини ойлаб, ҳатто йиллаб кутгани ҳам бор гап.

Ўтмиш ўз йўлига. Бизни ҳар қадиқада ҳушёрликка, илм олишга, иқтидор ва қобилиятни ўз вақтида юзага чиқаришга ундаётган келажак кутиб турибди. Сабаби, сўнгги йилларда дунё миқёсидаги глобал муаммолардан бири ишсизликдир. Ишсизликнинг асосий сабаби эса бир имкониятлардан унумли фойдаланишнинг “берса ейман” деган қарашнинг сингиб кетганидир. Инсон камолотига замин яратиш ўз вақтида илгари сурилган ислохотлар ва ички имкониятларни тўри йўналтириш ортидан бўлади.

Сардор ТОЛИБОВЕВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Ҳар ишда бир
ИКМАТ БОР

Давлатимиз раҳбари Сирдарё вилояти Сайхунобод туманидаги тажрибани бутун республика бўйлаб қўллашни кўп бора таъкидлаган.

“Сайхунобод тажрибаси” имкониятдан янада унумли фойдаланиш, томорқачиликни ривожлантириш, деҳқонларга ҳам жорий этиш орқали аҳоли томонидан янада самарали фойдаланиш мумкин. Бу эса нафақат ўша туман, вилоятдаги, балки бутун республикадаги иқтисодий ўсишга замин ҳозирлайди.

“Бир синалган тажриба етти китобдан афзал” деганларидек, бу тажриба қисқа фурсатда республикамизнинг энг чекка ҳудудларида ҳам самара бера бошлади. Унинг кенг ёйилишига сабаб белгиланган вақтда ўз натижасини кўрсатаётганидир. Хоразм вилоятида ҳам ушбу тажриба кўлами сезилмоқда. Хусусан, Урганч тумани Хилол маҳалласида аҳоли бандлигини таъминлаш, уларни тадбиркорликка жалб қилиш борасида “маҳалла еттилиги” ва фаоллари билан биргаликда сезиларли ишлар амалга оширилган. Маҳалла аҳолиси томорқачилик, чорвачилик, паррандчилик ва асаларчилик билан шуғулланади. “Маҳалла еттилиги”

уйма-уй юриб, аҳолига яратилаётган имкониятлардан келиб чиқиб, иш тақлиф қилляпти. Ўзбекистонда, бу ишларнинг аксарияти кооперация усулида ташкил қилмоқда. Мазкур маҳаллада яшовчи Бахтиёр Ҳасанов ўз хонадонидан кооперация усулида паррандчиликни йўлга қўйган — жўжа парвариллаётти.

Паррандчилик билан шуғулланаётганимга яқинда бир йил бўлади, — дейди Б.Ҳасанов. — Бунда менга “Қўшқўлпар парранда” МЧЖ яқин ҳамкор. Жўжаларни яхши парвариш қилсангиз, даромади ёмон бўлмайди. Мисол учун, 2 мингта жўжа бўлса, узоғи билан 45 кун боқилади. Ҳар биридан 10 минг сўмдан қолади. Ўртача ҳисобда 100 таси муайян сабабга кўра ноубуд бўлса ҳам 45 кун ичида 19 миллион сўм даромад кўриш мумкин. Хорижга бориб, сарсон юргандан кўра, шу ерда ҳар бир ишда фикр юритиб, сабр-қаноат билан меҳнат қилса, яхши яшаса бўлади.

Чиндан ҳам ҳар ташаббусда ҳикмат бор. Тажриба ортидан қўллаб оилалар иқтисодий аҳоли яхшиланади, дастурхонига кут-баракат қилмоқда. Одамларнинг ҳаётга ишончи уйғониб, қўлфи дили очилмоқда.

Бутун Хоразм вилоятининг бошқа туман ва шаҳарларида ҳам натижалар буй кўрсата бошлади. Энг муҳими, одамларнинг томорқага, тадбиркорликка қизиқиши ортиган.



Қисқа вақтда КАТТА НАТИЖА

Халқимизда “Хунар тўйғизар, от миндириб, тўн кийгизар” деган ибора бор. Ўртимизнинг деярли барча ҳудудларида ўзига яраша хунармандлик мактаблари шаклланган. Бошқа ҳудудлик киши бирор кимни сўраб келса, унинг касби қўшиб айтилиши ҳам хунари бор одамнинг обрўсидан дарак берган. Билгичлар айтарди, отнинг биргина эгарини яшаш учун 6 ойдан 1 йилгача вақт қатар экан. Эгарнинг тобини туширишни ҳам ҳар ким эпюлмаган.

Техника такомиллашгани учун қўллаб ҳунармандлик мактаблари жар ёқасига келиб қолди. Аммо бутун яратилаётган имкониятлар ортидан қўллаб инсонлар ўз қасбу хунарини изга тушириб олмақда.

Наманган шаҳрида дурадгорлик, темирчилик, уймакорлик, заргарлик ривожланган. Жорий йил Президентимиз Наманганга таширғи чоғида “Мен Сайхунободда” “Бу йил иқтисодиётимизда ҳаётини уйғониш ва юксалиш йили бўлади”, дедим. Мақсад — инсон салоҳиятига капитал йўналтириш, уни ҳаракатга ундаш, дунёқарашини ўзгартириш. Уйчи тумани ҳам иқтисодиётини оғир ҳудуд. Ушбу тизим асосида ишсизларга томорқадан даромад топиш, ўз ишини очиб, қобилиятини юзага чиқаришга қўмақлашиш керак”, деганди.

Қисқа вақт ичида Уйчи туманида саноат ва бошқа соҳаларда юксалиш кузатилади. Бунинг асосий сабаби маҳаллаларда шаклланган касб-хунарларни ривожлантириб, драйверга айлантириш, шу орқали аҳоли бандлиги ва даромадларини ошириш давлат сисёти даражасига кўтариладигандир. “Уйчи тажрибаси” бутун республика бўйича кенг жорий қилиниши белгиланди.

Андижон вилоятининг Олтинқўл туманида шу тажриба асосида туманни ишсизликдан холи ҳудудга айлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш орқали даромадини ошириш, шунингдек, томорқадан фойдаланиш бўйича қатор ишлар амалга оширилмоқда.



Бу борада маҳаллабай ишлаш тизими ўз самарасини бермоқда. Биргина мисол. Олтинқўллик Ботиржон Абдуллаев тадбиркорлиқни бошламасдан олдин хорижга кетишга тайёргарлик кўраётганди. “Маҳалла еттилиги” қўмағи билан унга 100 миллион сўм кредит ажратилди. Бу маблағ эвазига у ўриндиқлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйди.


Олдинлари бу соҳада майда ишларни қилиб юрардик. Қўлимизда хунаримиз бор-у, амалда даромадни қандай ўстиришни билмасдик. Яратилаётган имкониятлардан фойдаланиб, бир неча ой олдин бизнесимизни йўлга қўйдик, — дейди Ботиржон Абдуллаев. — Ўзимизнинг ички бозордан ташқари қўшни Қирғизистон ва Тожикистонга ҳам маҳсулот экспорт қилляпмиз.

Бугунги кунда “Уйчи тажрибаси”ни янада такомиллаштириш бўйича қатор ишлар бел-

гилаб берилди. Хусусан, “Уйчи тажрибаси”га асосан, туман ҳокими ва банк раҳбарлари тадбиркорлар билан учрашиб, уларнинг бизнесини кенгайтиришга қўмақлашади. Бунда ҳоким ер, электр, сув, йўл ва бошқа инфратузилма масаласини, банк эса маблағни ҳал қилади. Шу орқали йил якунигача 670 минг аҳоли бандлигини таъминлаш мумкинлиги айтилди.

Агар белгиланган режалар амалга ошса, аҳоли иш билан банд бўлиши билан бирга унинг келаятган ишларни касбга йўналтириши ҳам аҳамиятли.

Юқоридаги тажрибалар амалда яхши натижа бергани ҳали марра эмас. Келгусида бу тажрибаларни кенгайтириш билан бирга таъминлаштириш ҳам кўзда тутилмоқда. Энди туман ҳокими, банк раҳбари ва маҳалла раиси ишлаш бўйича уч томонлама шартнома тузади.



Олий таълимдаги янгиланишлар

КЕЛАЖАК МУТАХАССИСЛАРИ

МУҲАНДИСЛИК МАКТАБЛАРИ ҚАНДАЙ РИВОЖЛАНАДИ?



Фазлиддин МЎМИНОВ,
Олий таълим, фан ва инновациялар
вазирлиги бошқарма бошлиги

Халқаро тажрибага кўра, муҳандислик мактаблари ташкил этилган ва ривожланаётган мамлакатларда илмий хажмдор маҳсулотлар ўсиши кузатишда. Масалан, Эронда сўнгги уч йилда товарлар экспорти қиймати 295 миллион доллардан 2 миллиард 510 миллион долларгача етган. Россияда 2021 йилда мамлакат ялпи ички маҳсулотидида юқори технологияли маҳсулотлар улуши 23 фоизни, ўртача йиллик ўсиш суръати 1,7 фоизни ташкил қилган. Европа Иттифоқининг юқори технологияли маҳсулотларнинг умумий экспортдаги улуши 2010 йилдаги 15 фоиздан 2021 йилда 17,7 фоизгача ошган.

ЯНГИ АВЛОД МУҲАНДИСЛАРИГА ЭХТИЁЖ КАТТА

Мамлакатимизда инновацион технологиялар ва методикага, хусусан, муҳандислик таълимига жиддий эътибор қаратилмоқда. Ўқитишнинг инновацион технологиялари ишлаб чиқилиб, жорий қилинмоқда. Педагоглар ва талабаларнинг ҳаракатчанлиги ошиб, самарали фикр алмашиш, малака ошириш ва университетлараро алоқаларни ривожлантиришга эришилмоқда. Шунга қарамай, муҳандислик фаолиятининг барча соҳасида мурракб инновацион технологияларни ишлаб чиқиш, жорий этиш ва қўллаб-қувватлашга

КАСБНИНГ ЭЛИТАСИ ТАЙЁРЛАНАДИ

Юртимиздаги 10 та ОТМда муҳандислик мактаблари очилади. Уларнинг кузатув кенгаши таркибига нафақат олимлар, балки ҳамкор корхоналар вакиллари ҳам киритилади. Бундан ташқари, мактабларда икки йиллик магистратура дастурлари мавжуд бўлади. Президентимизнинг Олмаздор туманидаги "Ippo" инновацион ўқув-ишлаб чиқариш технологиялар паркига ташрифи чоғида шу ҳақда сўз юритилди.

Номзодлар ишлаб чиқарувчиларнинг буюртмаси асосида танланади. Талабалар 1-курсда корхоналар буюртмаси бўйича янги маҳсулотларни лойиҳалаштириш, илмий тадқиқотлар қилади ва чуқурлаштирилган

модуль дастурлари асосида ўқийди. Иккинчи йилли корхоналарда янги маҳсулотларнинг тажриба-конструкторлик намуналарини яратиш билан боғлиқ технологик жараёнларни синовдан ўтказилади.

Олий ўқув юртларида истеъдодли ўзбек муҳандисларининг янги авлоди шаклланимоқда. Муҳандислик мактаблари улар учун энг катта имконият. Мазкур мактаблар фаолияти мамлакатимиз саноат тармоқлари учун янги кадрлар ўзагини шакллантиришга йўналтирилган.



рилади. Етақчи ишлаб чиқариш ҳамкорлари билан биргаликда илмий-таълимий инфратузилма ва ўқитиш дастурларини кенгайтиришга хизмат қилади.

Муҳандислик мактабларида улар таъсис этилган ОТМ ўқитувчилари, шунингдек, корхоналарнинг етақчи амалиётчи муҳандислари ҳамда бошқа олий ўқув юртлари ва илмий ташкилотларнинг таниқли олимлари ишлайди. Кўпинча илгор мактаблар ўқув тажрибаларига тайёр, янги технологияларни ўзлаштириш истаги бор, асосийси, амалий тажрибага эга педагогларни таклиф қилади. Бирламчи вазифа ёш муҳандис-технологлар ўртасида янги касбий компетенцияларни шакллантиришдан иборат.

Уларда ўқитишнинг асосий тамойиллари замонавий таълим, муайян соҳа эҳтиёжига йўналтирилган, илгор ускуналар билан жиҳозланган лабораториялар, энг муҳими, ўз ишига иштиёқли ёшлардир. Биттирувчилар биотехнология, машинасозлик, авиация, тиб-

биёт ва бошқа соҳалардаги ностандарт масалаларни ҳал қилади.

Миллий иқтисодийёт олдида турган устувор вазифалар ва ишлаб чиқаришдаги шериклар билан ҳамкорлик муҳандислик мактабларида янги турдаги таълимнинг асосини ташкил қилади. Муҳандислик мактаблари фаолияти энди бошланмоқда ва келажакда бошқа олий ўқув юртларида ҳам йўлга қўйилади.

Ўқитиш жараёнида талаба корхонада турли бўлимлар ва мутахассисларнинг ўзаро ҳам-

ёқи ўз муаммоларини ҳал қилишда рақамли технологияларни тушунади. Бугун бизга маҳсулот ва дастурий таъминотни ишлаб чиқиш ва ишлаб чиқаришнинг бутун циклини ҳар томонлама биладиган муҳандис керак. Муҳандислик мактаблари эса оммавий муҳандисларни эмас, балки касбнинг элитасини — оддий дизайнга кўпинча кўринмайдиган аҳамиятсиз муаммоларни ҳал қилишга қодир мутахассисларни тайёрлайди.

Талабалар ва ўқитувчилар муҳандислик мактабларининг ўқув майдонида амалий маҳсулотлар ва амалиёт ўташи, янги компетенцияларга эга бўлиши мумкин. Бироқ бу мактабларнинг асосий фаолияти талабалар турли таълим дастурлари бўйича биттиришга қўмлашшидир. Қоида тариқасида муҳандислик мактаблари ўқув дастурларида амалий компонентнинг катта улуши туфайли камроқ маъруза ва семинарлар мавжуд. Амалиёт, дарсдан ташқари лойиҳалар, рақамли ечимлар ва замонавий тадқиқот, технологик ускуналардан фолл мустақил фойдаланиш шулар жумласидан. Ўшбу лойиҳада саноат ҳамкорларининг ўрни катта. Улар ўз ҳодимларини ишлаб чиқариш бўйича мураббийлар ва ўқув дастурлари ўқитувчилари шаклида таълим ва тадқиқот жараёнига интеграция қилади.

Бу, биринчи навбатда, муҳандислик мактабларида таълим тизимини ажратиб турадиган саноат ҳамкорлари билан ўзаро алоқадор. Муҳандислик мактабларида 10 мингдан ортиқ муҳандис қўшимча касбий таълим дастурлари бўйича тайёрланади.

ТАЪЛИМНИНГ ЯНГИ, ЯНАДА ТўЛИҚ ВА ЎЙГУНЛАШГАН МОДЕЛИ

Муҳандислик мактабларининг тузилиши хилма-хиллиги билан ажралиб туриши керак. У инновацион фаолият учун мутахассисларнинг техник ва ахборот тайёрларлигини таъминлайдиган қўллаб таълим муассасаларини ўз ичига олиши лозим. Масалан, қишлоқ хўжалигида озиқ-овқат хавфсизлиги ва технология хавфлар билан боғлиқ агротехнология соҳасидаги муҳандислик мактаби.

Иш глобал тенденциялар ва муаммоларни ҳисобга олган ҳолда ташкил этилади. Мактабнинг ички фаолияти ишлаб чиқаришни

яхшилаш ва маҳсулдорликни ошириш, қишлоқ хўжалиги чиқиндиларини қайта ишлаш, ҳайвонлар ва ўсимликлар наслчилигини кўпайтириш, шунингдек, жониворлар учун биоактив озуқа қўшимчаларини яратиш билан боғлиқ бир қанча йўналишлар бўйича тақсимланган. Муҳандислик мактабларининг барча иши саноат шериклари билан яқин ҳамкорликка асосланган.

Оптика ва сенсорлар йўналиши турли стратегик объектлар — қудуқлар, тўғонлар, кўприклар, туннеллар, қурилиш пойдеворлари ва бошқаларнинг ҳолати тўғрисида тезкор маълумотлар олиш учун оптик сенсорлар яратишга имкон беради. Бу эса таълимнинг янги, янада тўлиқ ва ўйгунлашган моделини ҳаётга татбиқ этиш, замонавий касб-хунарлар бўйича мутахассислар тайёрлаш зарур, дегани.

Биттирувчиларнинг муҳандислик-техник тайёрларлиги сифатини сақлаш ва баҳолашнинг асосий воситаси тегишли стандартларга мувофиқ, шунингдек, фан, юқори технология ва ишлаб чиқариш ютуқлари ҳамда эҳтиёжларни қўзда тутилган самарали таълим дастурларидир.

Муҳандислик мактабларини ташкил этишдан мақсад Ўзбекистоннинг технологик суверенитетига эришишни таъминлашга қодир, юқори малакали муҳандис кадрларни тайёрлашдан иборат. Шу билан бирга, мамлакатимизда муҳандислик таълими иқтисодиёт тармоқларини модернизация қилиш шарафига мослаштиришга қаратилиши керак.

Ўшбу муҳим муаммони ҳал қилиш учун барча ҳаракатлар аниқлиқ талаб қилади. Масалан, тез ўзгаришчан ишлаб чиқариш ва бозор шароитларига осон мослаша оладиган кенг йўналишли мутахассислар тайёрлаш, иқтисодиётнинг истиқболли тармоқларини ҳисобга олган ҳолда муҳандислик таълими профилини ўзгартиришда мослашувчанлик, ўқув жараёнида ўқувчиларнинг кognitiv фаолиятини ва мулоқот қобилиятини ривожлантиришга эътиборни қучайтириш лозим. Юқори малакали мутахассислар тайёрлашни жадал ривожлантириш, олий таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини амалга ошириш, бундан ташқари, олий таълим тизимида, шу жумладан, муҳандислик мактабларида илмий тадқиқотлар ривожланишини таъминлаш устувор вазифалардир. Ўшбу муаммоларни ҳал қилиш кенг кўламли тадқиқотлар ва инновацион ишланмаларни жорий этишни талаб қилади.



Гулноза ЖўРАЕВА,
филология фанлари доктори

Бугунги кунда иш берувчилар олдида турган энг катта муаммолардан бири ходимларнинг ўз касбидан қониқиб, розилик ва садоқат билан ишлаши масаласидир. Сабаби, ҳозир ишчиларда, касб эгаларида етишмайдиган, уларни қийнайидиган мавзулар айнан шулар. Шундай экан, бўлгуси кадрларни тайёрлаётган ўқитувчи-мураббийларнинг тамал вазифаси таълим беришгина эмас, уларда ватанга дахлдорлик, масъулият, ўз ишига меҳр билан ёндашиш, касбидан розилик туйғуларини ҳам тарбиялашдан иборат бўлиб қолди.

Айни дамда ёшларнинг эҳтиёжлари катталашиб бораётти. Улар бир вақтнинг ўзига билимга чанқоқ. Бир неча хорижий тилларда эркин мулоқот қила олади, ҳар жабҳада ўзини кўрсатишга қодир, истеъдодини намойён қила билади, энг муҳими, шунга муносиб иш то-

Нуқтаи назар

пишни хоҳлайди. Даромади эҳтиёжларигагина етиб қолмай, ортишини, дунё кўришни, яхши шароитларда яшашни истади. Бир сўз билан айтганда, уларда кўп ва тез пул топишга қизиқиш анча ортиб кетган. Мана шу жиҳат ёшларни яхши даромадли касб танлашга ундайди ва айнан шу омил бўлажак ишчиларни илҳомлантира олади.

Бугун устоз — мотиватор, устоз — йўлбошич, устоз — ҳаётга тайёрловчи. Кадрлар тайёрлаш бир вақтлар асосий вазифа бўлган бўлса, бугун улар ўз ишининг устаси, масъулиятли, ишга чанқоқ, анча маҳоратли бўлиши керак. Замонавий олийгоҳларнинг вазифаси етук ва салоҳиятли, билимли, ички туйғуларни тарбияланган кадрларни жамиятга қўшишдан иборат.

Аввало, ҳар бир инсонда, қандай касб эгаси бўлишидан қатъи назар, ватанга дахлдорлик ҳисси шаклланиши шарт. Бефарқлик барча иллатларнинг доясидир.

Ватанга дахлдорлик туйғусини шакллантиришда она — биринчи устоз. Чунки фарзандда бу ҳис она қориндан бошлаб шаклланади. Уни ривожлантиришда устозлар муайян йўлга келган шахсни қўлайди. Сабаби, унгача болада бу тушунча бор бўлиши керак. Дейлик, талаба педагогика соҳасида таълим олади, келажакда у она тили ва адабиёт ўқитувчиси бўлиб етишади. Уни қандай қилиб ватанга дахлдор кадрга айлантириш мумкин?

Аниқки, унга келажакда ҳар қандай касб эгасини, хоҳ у шифокор бўлсин, хоҳ муҳандис — барчасини тарбиялашини ва яна касб эгалари эртага ватан учун, халқ учун хизмат

ОҚИЛ УСТОЗ БИЛАН МАНЗИЛГА ЕТИШ ОСОНРОҚ



қилишини уқтириш орқали бунга қисман эришса бўлади.

Талаба олийгоҳни биттиргач, ўз йўналиши бўйича иш бошлайди. Касбидан қониқиб, зиммасидаги вазифани сидқидилдан адо этиш, меҳр билан фаолият юритиш инсонни чарчатмайди. Аксинча, қувват бағишлайди.

Ўз касбидан қониқадиган инсон, аввало, уни ҳеч қандай босимсиз, ўз хоҳиши билан танлаган. Уни яхши кўради, қадрига етади. Демак, аввало, бўлгуси кадрларни касбини ўзи танлашга ўргатиш, имкон бериш лозим.

Бугунги ёшлар кечаги ёшлар эмас. Улар изланади, таҳлил қилади, солиштиради. Имкониятларини, билимини чамалайди. Шунга кўра, бир касбнинг этагидан тутиш учун қаддам ташлайди.

Ёшлар, аввало, ишга кирмоқчи бўлган жойини синчиқлаб ўрганиши, даромади, иш вақти, дам олиш куллари, у ердаги муҳит, рағбатлар, асосийси, ўсиш борасида етарлича маълумотга эга бўлиши зарур. Бу учун уларга амалиётлар белгиланган.

Талабаларнинг амалиётга боришини

тўлиқ таъминлаш, улар билан жараёнда танлаган касбининг ижобий ва салбий томонлари, хали ҳам шу касбини эгаллашда собитми ёки йўқлиги ҳақида суҳбатлар ўтказилиб туриши мақсадга мувофиқ. Бўлажак ишхонасидаги муҳит унга қай даражада ёққани, келажакда ўзини шу касбда кўра олаётгани ёки олмаётгани, бу борада бир қарорга келганини билиш педагогнинг зиммасида қолади. Шунда бўлажак кадрлар танлаган касбларидан афсусланиб қолмаслигини таъминлаш мумкин бўлади.

Қолаверса, шу жараёнинг ўзига эгалаётган хунаридан талабанинг қониқиб даражаси ҳам белгиланади. Қўтилмалар ҳаддан ташқари ортиб кетмайди, ишга қандайдир орзулар панжарасидан эмас, балки реал кўз билан боқилади. Негатив жиҳатларни ижобийга айлантириш мумкинлигига оид тавсиялар берилади.

Бугун ўз касбидан рози бўлиб ишлайдиган инсонларнинг мамнулиқ сабаблари бир неча. Аввало, улар касбининг севади, шунинг учун ундаги айрим қийинчиликлар кўзга кўринмайди. Ўнча-мунча машаққатларга эътибор қилинмайди. Иккинчидан, улар эгаллаган касбиди етакчи. Ишидан рози инсонларнинг ақсариятини мана шу омиллар боғлаб туради.

Яхши кадр бўлгани сабаб уларга кўп маош тўланади ва мукофотлар белгиланади. Бу уларнинг ишхонадаги ва оиладаги мавқеини ҳам кўтариб беради. Айнан мана шу жиҳат уларнинг ишга бўлган ҳурмат, меҳр ва бу орқали розилик ҳиссини яна ҳам орттиради. Шундай экан, кадрларни икки нарсасга — касбини ўзи севиб танлашга ва ўша ишининг етук мутахассиси бўлишга чорлаш керак.

Бўлажак кадрларда зарурчи яна бир фазилат — касбга садоқатдир. Оддий мисолларда тушунтирсак, касбига садоқатли инсон катта сабаблари бўлса ҳам ишини ташлаб қўймайди. Бундай фазилат шаклланмаган кадрни эса кичик баҳоналар ҳам ишидан узоклаштириб, унга бормай қўйишга сабаб бўла олади.

Касбига содиқ инсон ишхона сирлари, жамоа лойиҳаларини бошқа жойларда муҳокама қилмайди, қандай жамоавий муаммолар келиб чиққан тақдирда ҳам уларни четда ҳал қилишга уринмайди.

Шахс ўз ҳудуди, ўз чегараларини билса, таниса, демак, у касбига, жамоасига нисбатан ҳам садоқатли бўла олади. Аммо инсон шахсий чегараларига эга бўлмаса, унинг касбига нисбатан масъулиятли бўлиши мураккаб иш, имконсиз бўлиб қолади. Шундай экан, баъзан бу мавзуда педагог шакллантирувчи эмас, балки йўлловчидир. Бунини унутмаслик зарур.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, ҳар бир инсон ўз тақдирини ўзини масъул, қайси йўлдан бориш ва қандай манзилга етишни ўзи ҳал қилади. Аммо бу йўлни балан-пас-тидан ҳабардор, оқил устоз билан манзилга етиш осонроқ кечади.

